

**ПЕДАГОГИК ИННОВАЦИЯЛАР, КАСБ-ҲУНАР ТАЪЛИМИ
БОШҚАРУВ ҲАМДА ПЕДАГОГ КАДРЛАРИНИ ҚАЙТА ТАЙЁРЛАШ
ВА УЛАРНИНГ МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ ИНСТИТУТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.03/30.12.2019.Ped.48.01. РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ ҲУЗУРИДАГИ
БОШ ИЛМИЙ-МЕТОДИК МАРКАЗИ**

ОБИДОВ АЗАМАТ ЭРКИНЖОНОВИЧ

**ПЕДАГОГ КАДРЛАРНИ МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ
ЖАРАЁНЛАРИНИ ВЕБИНАР ТЕХНОЛОГИЯСИ АСОСИДА
ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

13.00.05–Касб-хунар таълими назарияси ва методикаси (педагогика фанлари)

**Педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2020

**Педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по
педагогическим наукам**

**Contents of dissertation abstract of the doctor of philosophy (PhD) on
pedagogical sciences**

Обидов Азамат Эркинжонович

Педагог кадрларни малакасини ошириш жараёнларини вебинар технологияси асосида такомиллаштириш..... 3

Обидов Азамат Эркинжонович

Совершенствование процесса повышения квалификации педагогических кадров на основе вебинар технологии 23

Obidov Azamat Erkinjinovich

Improving professional development processes of pedagogical staff based on webinar technology 43

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works 47

**ПЕДАГОГИК ИННОВАЦИЯЛАР, КАСБ-ҲУНАР ТАЪЛИМИ
БОШҚАРУВ ҲАМДА ПЕДАГОГ КАДРЛАРИНИ ҚАЙТА ТАЙЁРЛАШ
ВА УЛАРНИНГ МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ ИНСТИТУТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.03/30.12.2019.Ped.48.01. РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ ҲУЗУРИДАГИ
БОШ ИЛМИЙ-МЕТОДИК МАРКАЗИ**

ОБИДОВ АЗАМАТ ЭРКИНЖОНОВИЧ

**ПЕДАГОГ КАДРЛАРНИ МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ
ЖАРАЁНЛАРИНИ ВЕБИНАР ТЕХНОЛОГИЯСИ АСОСИДА
ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

13.00.05–Касб-хунар таълими назарияси ва методикаси (педагогика фанлари)

**Педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2020

Педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2020.1.PhD/Ped96 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳузуридаги Бош илмий-методик марказда бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (www.ipitvet.uz) ҳамда «Ziyonet» Ахборот таълим порталида (www.ziyonet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Бегимкулов Узоқбой Шоймкулович
педагогика фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Арипов Мерсаид Мирсиддиқович
физика-математика фанлари доктори, профессор

Тўрақулов Олим Холбугаевич
педагогика фанлари доктори, доцент

Етакчи ташкилот:

Фарғона политехника институти

Диссертация ҳимояси Педагогик инновациялар, касб-ҳунар таълими бошқарув ҳамда педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш институти ҳузуридаги DSc.03/30.12.2019.Ped.48.01. рақамли Илмий кенгашнинг 2020 йил «29» август соат 10⁰⁰ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100095, Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Зиё кўчаси, 76-уй.) Тел.: (99871) 227-19-24; факс: (99871) 227-19-24; e-mail: pedagogikinnovatsiyalar@edu.uz;)

Диссертация билан Педагогик инновациялар, касб-ҳунар таълими бошқарув ҳамда педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш институтининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (24 рақам билан рўйхатга олинган). Манзил: 100095, Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Зиё кўчаси, 76-уй.) Тел.: (99871) 227-19-24; факс: (99871) 227-19-24.

Диссертация автореферати 2020 йил «14» 08 да тарқатилди.
(2020 йил « » даги рақамли реестр баённомаси).


Ш.Э. Курбонов
Илмий даражалар берувчи
Илмий кенгаш раиси,
п.ф.д., профессор

С.Ю. Ашурова
Илмий даражалар берувчи
Илмий кенгаш илмий котиби,
п.ф.н., профессор

Қ.Т. Олимов
Илмий даражалар берувчи
Илмий кенгаш қошидаги
илмий семинар раиси,
п.ф.д., профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳон илмий тадқиқотлар бозори тенденцияларидан келиб чиқиб олий таълим муассасаларида илмий-тадқиқот ишлари натижадорлигини ошириш, ёшларни илмий фаолиятга кенг жалб этиш, илм-фаннинг инновацион инфратузилмасини шакллантириш, таълим тизимини янада ривожлантириш мақсадида ўқув жараёнларини замонавий ахборот коммуникацион технологияларидан унумли фойдаланган ҳолда самарали ташкил этиш масалалари бугунги кунда бажарилиши лозим бўлган долзарб вазифалардан биридир. Сифатли таълим бериш ва яхши таълим олишни такомиллаштиришда виртуал таълим технологиялари ҳамда электрон таълимдан самарали фойдаланилмоқда. АҚШнинг Гарвард университети ҳамда Массачусетс технология институти ҳамкорлигида интернет орқали интерфаол таълим олиш имкониятини берувчи онлайн очик курслар яратилди.

Дунёда замонавий таълимнинг характерли томони шундаки, таълимни ахборотлаштириш ва ахборий жамиятнинг эҳтиёжини ҳисобга олган ҳолда кадрларни тайёрлаш масаласи ҳамisha давлат ва жамиятнинг диққат марказида туради. Ўзбекистон Республикаси таълим тизимида ҳам кузатилмоқда, яъни ахборотлаштириш соҳасидаги “ахборот ресурслари, ахборот технологиялари тизимларини ривожлантириш ҳамда такомиллаштиришнинг замонавий жаҳон тамойилларини ҳисобга олган ҳолда миллий ахборот тизимини яратишга қаратилган”¹ масалалар давлат сиёсати даражасига кўтарилган. Бунда олий таълим тизими раҳбар ва мутахассислари ҳамда профессор-ўқитувчилари қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш орқали таълим сифати ва самарадорлигини оширишда самарали масофавий таълим технологияларидан кенг фойдаланишга алоҳида аҳамият берилмоқда. Жумладан, масофавий таълим технологиялари асосида раҳбар ва профессор-ўқитувчиларни қайта тайёрлаш ва малакасини оширишда виртуал методик таъминоти бўйича инновацион метод ва технологиялар яратилмоқда. Шунинг билан бирга жамият тараққиётининг динамик равишда юксалиб боришини эътиборга олган ҳолда вебинар технологияси асосида қайта тайёрлаш ва малака ошириш тизимида туб ўзгаришларни амалга ошириш зарурати ҳам кун тартибига қўйилмоқда.

Республикамизда “Таълим тўғрисида”ги қонун ҳамда Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури талабларидан келиб чиқиб, узлуксиз таълимнинг барча босқичлари, жумладан олий таълим тизими зиммасига жаҳон андозаларига мос, истеъмолчилар талабига жавоб берадиган, юқори малакали рақобатбардош кадрлар тайёрлашдек улкан вазифа юклатилган. 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича ҳаракатлар стратегиясини “Илм, маърифат ва рақамли иқтисодиётни ривожлантириш йили”да амалга оширишга оид давлат дастурида “...масофавий ўқитиш шаклини амалга ошириш тартибини

¹Ўзбекистон Республикаси «Ахборотлаштириш ҳақида» Қонун // <https://lex.uz/docs/83472>

белгилаш, дастурий-аппарат комплексини яратиш, тегишли олий таълим муассасаларининг ўқув жараёнига масофавий ўқитиш платформасини жорий этиш...”² вазифалари белгиланган. Республикамизда мазкур вазифаларни изчиллик билан ижобий ҳал этишга оид қатор ислохотлар амалга оширилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар Стратегияси тўғрисида”ги ПФ-4947-сон Фармони, 2017 йил 20 апрелдаги “Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-2909-сонли қарори, 2019 йил 27 августдаги “Олий таълим муассасалари раҳбар ва педагог кадрларининг узлуксиз малакасини ошириш тизимини жорий этиш тўғрисида”ги ПФ-5789-сон Фармони, 2019 йил 8 октябрдаги “Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПФ-5847-сон Фармони, 2020 йил 2 мартдаги 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича ҳаракатлар стратегиясини “Илм, маърифат ва рақамли иқтисодиётни ривожлантириш йили”да амалга оширишга оид давлат дастури тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Президентининг ПФ-5953-сонли Фармони ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу тадқиқот иши муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг IV. “Ахборотлаштириш ва ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш” устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Ахборот-коммуникация технологиялари асосида таълим сифатини ошириш, масофавий таълимдан фойдаланиш ва видеоконференциялар ташкил этиш, раҳбар ва педагог кадрларнинг касбий ва бошқарув компетентлигини ривожлантиришга йўналтирилган тадқиқотлар У.Бегимкулов³, Н.Муслимов, Ф.Закирова, Ш.Шарипов⁴, М.Файзиева⁵, Т.Шоймардонов⁶, Н.Ҳайтуллаева⁷ ва бошқа олимлар томонидан тадқиқ этилган. Жумладан, У.Бегимкулов педагогик

² Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 2 мартдаги “2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини «Илм, маърифат ва рақамли иқтисодиётни ривожлантириш йили»да амалга оширишга оид давлат дастури тўғрисида”ги ПФ-5953-сон Фармони // <https://lex.uz/docs/4751567>

³ Бегимкулов У.Ш. Педагогик таълим жараёнларини ахборотлаштиришни ташкил этиш ва бошқариш назарияси ва амалиёти: Пед.фан.док... дисс. автореф. -Т., 2007. -42 б.

⁴ Шарипов Ш.С. Ўқувчилар касбий ижодкорлиги узвийлигини таъминлашнинг назарияси ва амалиёти. Пед.фан.док. ... дисс. автореф. - Т.: 2012.- 46 б.

⁵ Файзиева М.Р. Ўқув жараёнига мослашувчи web тизимларни яратиш. // Пед. фан.фал. док. ... дисс. автореф. – Тошкент, 2017. – 48 б.

⁶ Шоймардонов Т.Т. Педагог кадрлар малакасини ошириши ва касбий фаолияти мониторингини ташкил этишнинг электрон тизими // Пед. фан.фал. док. ... дисс. автореф. – Тошкент, 2017. – 48 б.

⁷ Ҳайтуллаева Н.С. Бўлажак информатика ўқитувчиларини методик тайёрлаш тизимида web-технологиялардан фойдаланиш. // Пед. фан.фал. док. ... дисс. автореф. – Тошкент, 2019. – 48 б.

таълим жараёнларини ахборотлаштиришни ташкил этиш ва бошқаришнинг методик, дастурий-техник таъминоти, Ф.Закирова педагогика олий таълим муассасаларида бўлажак информатика ўқитувчисининг методик тайёргарлигини шакллантириш, М.Файзиева ўқув жараёнига мослашувчи веб тизим таркиби, мазмуни ва дастурий таъминотини ишлаб чиқиш, Н.Ҳайтуллаева бўлажак информатика ўқитувчиларини методик тайёрлаш тизимида веб технологиялардан фойдаланиш, Т.Шоймардонов эса айнан педагог кадрларни малакасини ошириш жараёнларининг мониторинг механизмларини такомиллаштириш билан боғлиқ масалаларнинг илмий-назарий жиҳатларини ўрганишган.

XXI аср ахборот технологиялар асри эканлигини эътиборга олиб, таълим жараёнига вебинар технологияларни жорий этиш муҳим аҳамият касб этади. Хорижий ва МДҲ давлатларида таълим жараёнига вебинар технологияларни жорий этиш масалалари Stephen Renton (Стивен Рентон)⁸, Cynthia Clay (Синтия Клэй)⁹, Timothy Koegel (Тим Когель)¹⁰, Sherrie Rose¹¹, S.Sharan, J.Carucci¹², Е.С.Полат¹³, М.Б.Лебедева, И.Б.Стрелкова¹⁴, Е.В.Бережнова, Л.К.Раицкая, Е.В.Воевода, А.А.Андреев, Н.Н.Диканская, Н.А.Пластун, Е.О.Третьякова, Н.Блинникова, К.Бородаченко, А.Кухарчук Ю.Ужакина, Н.А.Разумова, Е.А.Ахромушкин, В.И.Загвязинский, Г.В.Юстус, Ю.И.Щербаков, В.С.Торопцов, Л.М.Ивашко, А.И.Уринцов, А.А.Ситнов каби хорижий мутахассисларнинг илмий тадқиқотларида ўрганилган.

Таълим тизимига замонавий ахборот - коммуникация технологияларини жорий этиш бўйича илмий изланишлар қатор тадқиқотларда амалга оширилган. Таълимни ахборотлаштириш воситаларини яратиш ва улардан фойдаланишнинг назарий асослари И.В.Роберт, таълимда компьютер технологияларидан фойдаланишнинг назарияси ва методик масалалари эса Л.И.Анциферов, В.А.Извозчиков, В.В.Лаптев, А.В.Смирнов ва бошқалар томонидан ўрганилган. Ахборот-динамик ўргатувчи муҳитни ўқитувчиларнинг ахборот маданиятини ривожлантирувчи омил сифатида тадқиқ этиш масалалари Н.А.Сизинцева ишларида ёритилган.

Тадқиқотнинг диссертация бажарилган олий таълим ёки илмий-тадқиқот муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳузуридаги Бош илмий-методик марказ илмий-тадқиқот ишлари режасининг ИТД 5-42 “Педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш муассасаларида шахсга йўналтирилган электрон медиатаълим муҳитини шакллантиришнинг методик тизимини яратиш” (2012-2014 йй),

⁸ Stephen Renton - The Webinar Warrior: Broadcast Your Way To Credibility, Authority and Profits

⁹ Cynthia Clay - Great Webinars: Create Interactive Learning That Is Captivating, Informative, and Fun

¹⁰ Timothy J. Koegel - The Exceptional Presenter Goes Virtual: Take Command of Your Message, Create an "In-Person" Experience and Captivate Any Remote Audience

¹¹ Sherrie Rose -The Webinar Way: The Single, Most Effective Way to Promote your Services, Drive Leads & Sell a Ton of Products

¹² Sharan S., Carucci J. Webinars For Dummies

¹³ Полат Е.С., Бухаркина М.Ю., Моисеева М.В. Теория и практика дистанционного обучения

¹⁴ Стрелкова И.Б. Технология организации и проведения вебинаров

A-1-116 “Таълимни ахборотлаштириш шароитида олий таълим муассасалари педагоглари креатив салоҳиятини ривожлантиришнинг методик тизимини ишлаб чиқиш” (2015-2017 йй), ЁА1-ОТ-1-18320 ЁА1-18 “Олий таълим муассасалари педагог кадрлари касбий компететлигини узлуксиз ривожлантиришнинг информацион-методик таъминотини ишлаб чиқиш ва амалиётга жорий этиш: акмеологик ёндошув” (2015-2016 йй), ЁА-5-5 “Ўқув жараёнига мослашувчи Web тизимни яратиш” (2016-2017 йй) ва Европа Комиссиясининг Эрасмус+ лойиҳаси доирасида “Ўзбекистонда олий таълим жараёнларини модернизациялаш ва интернализациялаш” (2016-2018 йй) мавзусидаги лойиҳалар доирасида амалга оширилган.

Тадқиқотнинг мақсади педагог кадрларни малакасини ошириш жараёнларини вебинар технологияси асосида такомиллаштиришдан иборат.

Тадқиқот вазифалари:

педагог кадрларни малакасини ошириш жараёнларига вебинар технологиясини жорий этишга оид адабиётлар ва тадқиқотларни таҳлил этиш ва мавжуд ҳолатини ўрганиш;

педагог кадрларни малакасини ошириш жараёнларига вебинар технологиясини жорий этиш моделини ишлаб чиқиш;

педагог кадрларни малакасини ошириш жараёнларига вебинар технологиясини жорий этишнинг интеграллашган дастурий ва методик таъминотини ишлаб чиқиш;

педагог кадрларни малакасини ошириш жараёнига вебинар технологиясини жорий этиш самарадорлигини математик-статистик усуллари орқали аниқлаш ва тавсиялар ишлаб чиқиш.

Тадқиқот объекти вебинар технологияси асосида педагог кадрларни малакасини оширишни ташкил этиш жараёни.

Тадқиқот предмети педагог кадрларни малакасини ошириш жараёнларида вебинар технологиясини жорий этишнинг ташкилий шарт-шароитлари, мазмуни, талаблари, шакл ва воситалари,.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқот мақсадига эришиш ва қўйилган вазифаларнинг ечимини топиш учун умумилмий (тарихий, биографик, контент-таҳлил), моделлаштириш (лойиҳалаш), социометрик (тест, электрон сўров, суҳбат), педагогик кузатиш ва математик статистик методларидан фойдаланилди.

Тадқиқотининг илмий янгилиги қуйидагиларда иборат:

ОТМ педагог кадрларининг малака ошириш тизимига мослаштирилган вебинар платформасининг кўрсаткичлари (очиқ кодлилик, олий таълим миллий тармоғида ишлаш имконияти, фойдаланувчилар сонининг чекланмаганлиги) “Иерархиялар таҳлили” усулига асосланган “Mpriority 1.0” дастурий таъминоти орқали аниқлаштирилган;

малака ошириш жараёнларини ташкил этишнинг интеграллашган платформаси вебинар технологиясини электрон таълим тизимлари (LMS, MOOC) ҳамда стандарлари (SCORM, xAPI) билан синтезлаш орқали такомиллаштирилган;

малака ошириш тизимида педагог кадрларнинг рақамли таълим технологияларидан фойдаланиш компетентлигини ривожлантириш методикаси педагогик касбий фаолиятни вебинар технологияси асосида такомиллаштириш модели орқали такомиллаштирилган;

малака ошириш курслари мазмуни вебинар ва ундан фойдаланиш технологиясига (real time internet-conference, desktop share, видео ва аудио ёзувларини трансляция қилиш) оид мавзуларни киритиш орқали бойитилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагиларда ўз аксини топган:

олий таълим муассасаларининг раҳбар ва педагог кадрларини масофадан ўқитиш таълим усуллари орқали уларнинг малакасини ошириш курсларини ташкил этиш ва ўтказиш тартиби (Вазирликнинг 2017 йил 5 сентябрдаги 11-2017-сонли буйруғи билан тасдиқланган, Адлия вазирлигида 2017 йил 23 октябрда 2936-сон билан рўйхатдан ўтказилган), масофавий малака ошириш дастурий платформаси (Ўзбекистон Республикаси интеллектуал мулк агентлигидан олинган № DGU 02877 муаллифлик гувоҳномаси илова қилинади) ҳамда унинг таркибий қисми вебинар тизими (Ўзбекистон Республикаси интеллектуал мулк агентлигидан олинган № DGU 03524 муаллифлик гувоҳномаси илова қилинади) ишлаб чиқилган;

ахборот-коммуникация технологияларининг олий таълим сифатини таъминлаш воситаларидан бири эканлиги, ҳамда электрон таълим ахборот муҳитини шакллантириш мақсадида раҳбар кадрлар учун Британия Кенгашининг Ўзбекистондаги ваколатхонаси, Лондон Метрополитен университети (Буюк Британия) билан ҳамкорликда ишлаб чиқилган “Таълим сифати таъминлашда ахборот-коммуникация технологиялари” йўналишидаги малака ошириш курсининг таълим дастури ҳамда ўқув-методик таъминотини мазмуни янгиланди;

олий таълим муассасаларининг раҳбар ва педагог кадрларини малакасини ошириш курслари ўқув режасидаги “Ахборот-коммуникация технологиялари воситалари ёрдамида таълим сифатини бошқариш” модулининг мазмунига таълимни бошқарувчи тизим (LMS) орқали таълим сифатини бошқариш имкониятлари ва усуллари киритиш асосида бойитилган ҳамда раҳбар ва педагог кадрларни масофавий малакасини оширишга қаратилган mt.bimm.uz портали интерактив технологияларга асосланган электрон таълим ресурслари билан такомиллаштирилди.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги билиш назарияси методологияси (билишнинг диалектик методи, ўқув фанлари, жамият ва табиат ҳодисаларини таҳлил қилишга тизимли ёндашув) ҳамда педагог кадрларни малакасини ошириш жараёнларига вебинар технологиясини жорий этиш соҳасидаги республикамиз ва хорижий давлатлар олимлари ва амалиётчиларининг ишларига асосланганлиги; тадқиқот вазифаларига мос келувчи, ўзаро бир бирини тўлдириб боровчи тадқиқот методларининг қўлланганлиги; таҳлил ва тадқиқот тавсифининг миқдор ва сифат жиҳатидан таъминланганлиги билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги республика ва халқаро миқёсдаги илмий конференция материаллари тўплами, ОАК рўйхатидаги

махсус журналлар ҳамда хорижий илмий журналларда чоп этилган мақолалар ва улар ҳақидаги рецензиялар, респондентлар билан ўтказилган савол-жавоб, интервьюлар, хулоса, таклиф ва тавсияларнинг амалиётда жорий этилгани, олинган натижаларнинг ваколатли ташкилотлар томонидан тасдиқланганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти таклиф этилган платформа, тизим ва дастурлар педагог кадрларни малакасини ошириш жараёнларига вебинар технологиясини жорий этишнинг ташкилий-педагогик шароитлари ишлаб чиқилганлиги билан изоҳланади.

Вебинар технологияси асосида педагог кадрларни малака ошириш жараёнлари мазмуни ва методларини такомиллаштириш бўйича тавсиялар, таълим мазмуни ва методларини такомиллаштириш бўйича дастурий ва методик таъминот ишлаб чиқилди.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти педагог кадрларнинг малакасини ошириш жараёнларини ахборотлаштириш, ўқув режа ва дастурларини такомиллаштириш, замонавий ўқув-методик таъминотни яратиш, илғор таълим технологияларини жорий этиш учун хизмат қилади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Педагог кадрларни малакасини ошириш жараёнини вебинар технологияси асосида такомиллаштиришга оид тадқиқотнинг илмий натижалари асосида:

малака ошириш тизимини масофавий шаклда ташкил этишда вебинар технологиясидан фойдаланиш ва педагогик касбий фаолиятни вебинар технологияси асосида такомиллаштириш билан боғлиқ таклифлардан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 27 февралдаги “Олий таълим муассасаларининг раҳбар ва педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш курслари тўғрисидаги низомга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида”ги 103-сон Қарори 1-илоvasи билан тасдиқланган “Олий таълим муассасаларининг раҳбар ва педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш курслари тўғрисидаги Низомга киритилаётган ўзгартириш ва қўшимчалар”ни ишлаб чиқишда фойдаланилган (Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2019 йил 11 июлдаги 89-03-2736-сон маълумотномаси). Натижада педагог кадрларнинг рақамли таълим технологияларидан фойдаланиш компетентлиги ошди.

малака ошириш курслари мазмунига вебинар ва ундан фойдаланиш технологиясига (real time internet-conference, desktop share, видео ва аудио ёзувларини трансляция қилиш) оид мавзуларни киритиш билан боғлиқ таклифлар олий таълим раҳбар кадрлари учун Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2016 йил 25 августдаги 355-сонли буйруғи билан киритилган янги “Олий таълим сифатини таъминлашда ахборот-коммуникация технологиялари” йўналиши бўйича қайта тайёрлаш ва малака ошириш курсининг ўқув режа ва дастурлари ҳамда ўқув-методик таъминотини яратишда фойдаланилган (Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг

2019 йил 11 июлдаги 89-03-2736-сон маълумотномаси). Натижада малака ошириш курсининг ўқув режа ва дастурлари мазмуни такомиллаштирилган.

малака ошириш жараёнларини ташкил этишнинг интеграллашган платформасига вебинар технологиясини жорий этиш ва унинг кўрсаткичлари ИТД 5-42 “Педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш муассасаларида шахсга йўналтирилган электрон медиатаълим муҳитини шакллантиришнинг методик тизимини яратиш” (2012-2014 йй) лойиҳа мазмунига киритилган ва амалиётга жорий этилган (Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2019 йил 11 июлдаги 89-03-2736-сон маълумотномаси). Натижада олий таълим муассасалари раҳбар ва педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш сифати вебинар технологиясини жорий этиш орқали оширилган;

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 5 та халқаро ва 4 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши. Диссертация мавзуси бўйича жами 25 та илмий иш чоп этилган, шулардан 12 та мақола, жумладан, 10 таси республика ва 2 таси хорижий журналларда нашр этилган. Шунингдек, ишлаб чиқилган дастурий маҳсулотлар учун давлат Интеллектуал мулк агентлигидан 8 та муаллифлик гувоҳномалари олинган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, учта боб, хулоса, 112 номдаги фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат бўлиб, ишнинг умумий ҳажми 145 саҳифани ташкил қилади.


ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Диссертациянинг “**Кириш**” қисмида мавзунинг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсади, вазифалари, объекти, предмети аниқланган, ишнинг Ўзбекистон Республикасида фан ва технологияларни ривожлантиришнинг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги, амалий натижалари, натижаларнинг ишончлилиги, назарий ҳамда амалий аҳамияти, натижаларнинг амалиётга жорий этилиши, нашр этилган ишлар, шунингдек диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг “**Педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш жараёнларига рақамли таълим технологияларини жорий этишнинг назарий асослари**” деб номланган биринчи бобида педагог кадрларни малакасини ошириш жараёнида ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланишнинг ҳозирги ҳолати, ахборот-коммуникация технологиялари педагог кадрларни малакасини ошириш шакли ва воситаси сифатида ҳамда педагог кадрларни малака ошириш жараёнларига вебинар технологияларини жорий этишнинг дидактик имкониятлари таҳлили ёритилган.

Юқори малакали кадрлар тайёрлаш учун ривожланган хорижий давлатларнинг олий таълим муассасалари тажрибаси асосида бакалаврият

таълим йўналишлари, магистратура мутахассисликлари ҳамда раҳбар ва педагог кадрлар малакасини ошириш курсларининг малака талаблари, ўқув режа ва дастурлари мазмунини модернизациялаш ва такомиллаштириш, ўқув амалиётига илғор хорижий тажрибалар замонавий педагогик ва ахборот-коммуникация технологияларини татбиқ этиш, электрон ўқув модуллари, мультимедиа ишланмаларини яратиш, электрон ўқитиш шаклларини жорий этиш орқали таълим сифатини такомиллаштириш, малакали мутахассислар тайёрлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Жумладан Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегиясида “Олий таълим тизимида ахборот технологияларини таълим жараёнига қўллашни янги усул ва воситалари ёрдамида ташкил этиш” масаласи муҳим вазибалардан бири этиб белгиланган. Педагог кадрлар малакасини оширишда ахборот-коммуникация технологиялари асосида ўқитиш ишларини ташкил қилиш ва унинг дастурий таъминотини яратиш ҳамда дидактик ишлар билан тўлдириш муҳим аҳамият касб этади (1-расм).



1-расм. Ахборот-коммуникация технологияларининг таълим жараёнига татбиқи

Замонавий ахборот технологияларининг жадал ривожланиши таълим жараёнларида янги имкониятлар: веб-конференциялар, онлайн-семинарлар, вебинарларни қўллашга имкон бермоқда. Веб-конференция – интернет орқали реал вақт режимида учрашувлар ва ҳамкорликда ишлашдир. Веб-конференция онлайн-презентациялар олиб бориш, ҳужжатлар ва иловалар билан биргаликда ишлаш, сайтларни, видеофайлларни ҳамда расмларни синхрон тарзда кўриш имкониятини беради. Веб конференциялар ва семинарларни ташкил этиш ва уларни интернет орқали олиб борилиши вебинар технологиясини вужудга келтиради.

Замонавий ахборот технологияларининг таълим жараёнларига жорий

этилиши: ўрганилаётган ҳодиса ва жараёнларни моделлаштириш орқали фан соҳасини чуқур ўзлаштирилишига; ўқув фаолиятининг хилма-хил ташкил этилиши ҳисобига тингловчининг мустақил фаолияти соҳасининг кенгайишига; интерактив мулоқот имкониятларининг жорий этилиши асосида ўқитиш жараёнини индивидуаллаштириш ва дифференциялаштиришга; сунъий интеллект тизими имкониятларидан фойдаланиш орқали тингловчининг ўқув материалларини ўзлаштириш стратегиясини эгаллашига; ахборот жамияти аъзоси сифатида унда ахборот маданиятининг шаклланишига; ўрганилаётган жараён ва ҳодисаларни компьютер технологиялари воситасида тақдим этиш, тингловчиларда фан асосларига қизиқишни ва фаолликни оширишга олиб келиши билан муҳим аҳамият касб этади.

Адабиётлар таҳлили шуни кўрсатадики, ахборот-коммуникация технологиялари, Интернет тармоғи, мультимедиалар олий таълим муассасаларидаги таълим жараёнини ташкил этишнинг ажралмас таркибий қисмига айланиб бормоқда. Timothy Koegel (Тим Когель), Sherrie Rose, И.Б.Стрелкова ва бошқа олимлар фикрига кўра замонавий ва самарали таълим воситаларидан бири бу вебинар технологиясидир.

Диссертацияда малака оширишда масофавий таълим технологияларининг асосий шакллари жорий этишнинг умумий шарҳи келтирилган. Уларнинг қаторига ўқув жараёнининг мавофавий таълимни бошқариш тизимини (LMS – Learning Management System) жорий этиш; MOOC (Massive Open Online Courses) – оммавий очик онлайн курсларнинг жорий этилиши; вебинар – таълимнинг виртуал ахборот-таълим муҳитида олиб боришнинг замонавий шакли жорий этилиши кабиларни келтириш мумкин. Ушбу технологиялар орасидан сўнгги пайтларда кенг оммаланиб бораётган вебинар технологиясига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Олий таълим педагоглари томонидан вебинар технологиясини қўллаш компетентлигини ривожланишини жадал ривожланаётган рақамли муҳитда педагогнинг ахборот маданиятини ортишига ва уларнинг талабалар билан бўладиган мулоқотларининг самарадорлиги ошишига олиб келади. Чунки вебинар технологиясининг дидактик имкониятлари кенглиги билан таълим тизимида кенг қўлланмоқда.

Вебинар (“webinar” инглизча сўз бўлиб “Web-based seminar” сўз бирикмасининг қисқартирилган кўриниши бўлиб, вебга асосланган семинар, тренинг маъноларини англатади) – онлайн семинар, маъруза ва тақдимотларни жонли режимда веб технологиялар ёрдамида ташкил этиш воситаси ҳисобланади. Ҳар бир иштирокчи географик жойлашувидан қатъий назар ўзининг компьютеридан қатнашади. Вебинарнинг асосий хусусиятларидан бири, фойдаланувчи ўзига кўлай жойига жойлашиб, маърузачини тинглаши (ёки уни кўриши мумкин, агар вебинар ўтказувчи веб-камерадан фойдаланишга рухсат берган бўлса), унга саволлар бериши (матнли чат ёки товуш орқали), мунозараларда фаол иштирок этиши, баъзи ҳолларда бошқа иштирокчилар билан шахсий масалаларда суҳбат қуриши (яъни бир стол атрофида ўтиргандек) мумкин. Вебинар – бу онлайн таълим

муҳити ҳисобланиб, у ҳисоботлар, тақдимотлар, савол ва жавоблар кетма-кетлигидаги одатдаги семинарга ўхшаш ҳисобланади, бироқ бу жараён реал вақт ичида глобал Интернет тармоғи орқали амалга ошади. Вебинар географик жойлашувидан қатъий назар барча таълим олувчиларни бирлаштирган виртуал аудиторияни шакллантиради.

Вебинарнинг асосий имкониятлари кўп қиррали аудио-видео конференциялар, видео ва тақдимотларни юклаб олиш ва кўриш, real time internet-conference, маърузачини иш столини намойиш этиши (desktop share), видео ва аудио ёзувларини трансляция қилиш, матнли чат, бошқарув ҳуқуқини бошқа иштирокчиларга узатишдир. Вебинар орқали тадбирларни видео тренинглар; онлайн анжуманлар, виртуал тақдимотлар, маркетинг фаолиятига оид тадбирлар, онлайн учрашувлар, видео интервьюлар ташкил этиш мумкин.

Юқоридагилардан келиб чиқиб қайта тайёрлаш ва малака ошириш муассасаларининг ҳамкорликдаги фаолиятни йўлга қўйиш, курсларга жалб этилган профессор-ўқитувчиларнинг ўзаро фикр ва тажриба алмашишларини таъминлаш ҳамда тингловчилар учун онлайн маърузалар ташкил этиш ва билимларни тарғиб этиш мақсадида Олий таълим тизими педагог ва раҳбар кадрларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини оширишни ташкил этиш Бош илмий-методик маркази портали (<http://bimm.uz>) таркибида турли мавзудаги музокаралар, онлайн маърузалар, учрашувлар ва тақдимотларни ўтказишга хизмат қилувчи, масофавий технологияларга асосланган Вебинар (<http://vc.bimm.uz>) платформаси ишлаб чиқилди.

Диссертациянинг иккинчи боби **“Педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва малака ошириш жараёнларига вебинар технологиясини жорий этишнинг дастурий ва методик таъминотини таъминлаш методикаси”** деб номланган бўлиб, педагог кадрларни малакасини ошириш жараёнига вебинар технологиясини жорий этишнинг дастурий таъминотини ишлаб чиқиш ва жорий этиш, малака ошириш жараёнига вебинар технологиясини жорий этишнинг методик таъминоти ҳамда вебинар технологияси асосида ташкил этилган курсларнинг мазмуни ҳақида сўз юритилган.

Олий таълим муассасаларининг таълим жараёнига вебинар технологиясини жорий этишда ички ва ташқи муҳит омилларини аниқлаштириш ва стратегик режалаштириш мақсадида таҳлил қилишнинг кенг тарқалган усули “SWOT-таҳлил” усули асосида ўтказилди. Бунда объектнинг ички муҳит омиллари (ўзаро таъсир қилиши мумкин бўлган нарсалар) ва ташқи томондан кўрсатадиган, объект томонидан бошқарилмайдиган жиҳатлари ўрганилди.

Вебинар технологиясини жорий этишнинг кучли томонлари (“S”- Strength) таълим жараёнига нуфузли хорижий мамлакатлар профессор-ўқитувчилари ва етакчи мутахассисларининг жалб этилиши, вебинарни ташкил этувчи электрон таълим технологияларига катта сарф-харажатлар талаб этилмаслиги, таълим ресурсларининг очиклиги ҳисобига исталган тингловчи (яшаш жойи, анъанавий таълим олишга тўсқинлик қилувчи бошқа омилларга қарамасдан) тўғридан-тўғри билим олиш имкониятининг

мавжудлиги, илмий тадқиқот ишларининг ҳимоясига чет элдан таклиф этиладиган оппонентларни вебинар технологиясини қўллаш орқали жалб этилиши, таълимни доимий равишда баҳолаш ва назоратини олиб бориш мумкинлиги, электрон таълимда ўқитувчи ва тингловчилар орасидаги ўзаро боғлиқликни таъминлаш ва ўзаро муносабатларининг мониторингини олиб бориш имконияти, ташкил этилган вебинар орқали юзлаб тингловчиларнинг қамраб олиниши - таълимда рентабелликни ошириш имконияти, вебинар машғулотлари - тингловчиларга ахборотни етказиб беришнинг энг илғор усулларида (аудио-видеотрансляция, видеоконференция, E-learning, online learning, интернет конференция, интернет трансляциядан) фойдаланиш имконияти, соҳанинг етук мутахассислари ва профессор-ўқитувчиларнинг маърузаларини вебинар орқали ёзиб олиб, барча модуллари бўйича видеолар жамланмасининг миллий базасини шакллантирилиши, қаерда таълим олишни тингловчининг ўзи ҳал этиши, тингловчи таълим олишнинг темпини ўзига мослаштириши, савол туғилган вақтда ўқитувчи билан чат орқали исталган вақтда алоқага чиқиш имкониятлари билан аниқланди.

Вебинар технологиясини жорий этишнинг кучсиз томонлари (“W”-Weakness) сифатида вебинар шаклдаги машғулотларни ўтказиш имкониятига эга юқори малакали кадрларнинг етишмаслиги, вебинарларни ўтказиш учун техник таъминотнинг зарурлиги, вебинар шаклидаги машғулотларни ташкил этиш бўйича махсус стратегиянинг талаб этилиши, вебинар технологиясини қўллаш имкониятини берувчи махсус платформа зарурлиги, LMS тизимларига аксариат вебинар платформаларининг интеграциясини мавжуд эмаслиги, вебинар технологиясини жорий этиш бўйича ҳуқуқий асосларнинг тўлиқ шакллантирилмаганлиги ва бошқалар белгиланди.

Вебинар технологиясини имкониятлари (“O”-Opportunity) эса, вебинар асосида очиқ таълимнинг муваффақиятли йўлга қўйилиши, таълим ва ишлаб чиқаришнинг ўзаро интеграциясини кучайтиришни, ишдан ажралмаган ҳолда таълим олиш, машғулотларига келиб-кетиш ҳаражатларини камайтиришни ҳамда Республика ва хорижий нуфузли олий таълим муассасаларидаги профессор-ўқитувчиларнинг дарс машғулотларида вебинар орқали қатнашиш имкониятини яратиш ҳисобланади.

Вебинар технологиясини қўллашдаги таҳдидлар (“T”-Threat) ҳам таҳлил этилди. Вебинар технологиясини қўллаш борасидаги меъёрий-ҳуқуқий базанинг тўлиқ шакллантирилмаслиги профессор-ўқитувчилар томонидан яратилган вебинар курсларига бўлган муаллифлик ҳуқуқларининг бузилиши, профессор-ўқитувчилар орасида вебинар технологиясининг қўлланилиши юзасидан ва келажакда кутилаётган натижалари борасида келишмовчиликларнинг юзага келиши, машғулотларни ўтиш учун услубий-кўрсатмаларнинг камлиги ва замон талабларига жавоб бермайдиган вебинарларнинг ташкил этилиши таълим сифатига салбий таъсир кўрсатиши мумкин.

Ўтказилган “SWOT-таҳлил” асосида масофавий малака ошириш курсларини вебинар технологиясини жорий этиш орқали такомиллаштириш зарурияти мавжудлиги аниқланди.

Тадқиқот доирасида олий таълим муассасалари педагог кадрларининг малакасини ошириш жараёнларини такомиллаштириш, интеграллашган ахборот-методик таъминотни яратиш, малака ошириш муассасаларининг фаолиятини енгиллаштириш мақсадида Интернет тармоғида <http://bimm.uz> портали вебинар технологиясини интеграция қилиш орқали такомиллаштирилди.

Тизимнинг асосий мақсади таълим жараёнини индивидуаллаштириш ҳамда дифференциялаштириш тамойиллари асосида ташкил этилишини таъминлаш, олий таълим тизимида фаолият кўрсатаётган етакчи профессор-ўқитувчиларнинг касбий салоҳиятларига таянган ҳолда, таълим сифатини ошириш, тингловчилар учун масофавий малака ошириш имкониятини кенгайтириш ҳамда таълимнинг турли шакллариини ўзаро бир-бирига интеграциялаштиришдан иборат.

Бугунги кунда вебинарни ўтказишнинг бир нечта платформалари мавжуд бўлиб, улар бир-биридан турли кўрсаткичлари билан фарқланади.

Энг маъқул вебинар платформасини иерархиялар таҳлили усули асосида танлаш босқичлари аниқланди. Улар қўйидагилардан иборат: муаммони иерархия кўринишида тасвирлаш; мезонлар учун устуворликни белгилаш; ҳар бир мезон бўйича муқобил ечимлар устуворлигини белгилаш; глобал устуворликни аниқлаш.

Вебинарни ўтказишда қўлланиладиган оммабоп платформаларнинг қиёсий таҳлилинини ўтказиш учун техник кўрсаткичлар аниқланиб, қўйидагилар қабул қилинди: нархи; бошқа сервислар билан ўзаро интеграциясининг мавжудлиги; LMS Moodle билан интеграцияни таъминловчи илованинг мавжудлиги; ўтказилган вебинарни ёзиб олиш имконияти; ташқи интерфейсга ўзгартириш ва такомиллаштиришлар киритиш имконияти; видеофайлларни кўриш имкониятини берувчи плеер базавий комплектациясининг мавжудлиги; овозли телефон тармоқларига уланиш имконияти; платформани ўрнатиш бўйича чекловлар; қўшимча функционал имкониятлар.

Малака ошириш жараёнига маъқул вебинар платформасини иерархиялар таҳлили усули асосида «Mpriority 1.0» компьютер дастури орқали ҳисоблаб, қўйидаги глобал устуворликлари аниқланди (1-жадвал).

1-жадвал.

Вебинар платформаларнинг қиёсий таҳлили натижалари

№	Вебинарларни ўтказишда қўлланиладиган платформалар номи	Устуворлик коэффициенти
1	BIMM Webinar	0,4351
2	OpenMeetings	0,2226
3	Dimdim	0,1863
4	Adobe Connect	0,1559

Ушбу таҳлилга асосан, яратилган “BIMM Webinar” (<http://vc.bimm.uz>) платформаси 0,4351 коэффициентли кўрсаткич билан юқори натижага эга бўлди. Ушбу платформани бепул олиб ишлатиш ва Ўзбекистонда муваффақиятли қўлланилаётган LMS Moodle тизими билан интеграцияни таъминловчи илованинг мавжудлиги ҳамда техник таъминотга юқори талаб қўйилмаслиги унинг асосий ютуқларидан ҳисобланади.

Тадқиқот давомида масофавий малака ошириш курсининг “Электрон педагогика асослари” ўқув модули таркибидаги “Ахборот-коммуникация технологиялари ва уларни таълим жараёнида қўллашнинг дидактик имкониятлари” мавзуси асосида вебинар технологиясидан фойдаланиш методикаси ишлаб чиқилди. Вебинар технологияси асосида ўтказилган маъруза машғулотида интерфаол методлар сифатида БББ (Биламан/Билишни ҳоҳлайман/Билиб олдим) ва ФСМУ методларидан фойдаланилди. БББ методи мавзу, матн, бўлим бўйича изланувчанликни олиб бориш имкониятини берди. Тизимли фикрлаш, тузилмага келтириш, таҳлил қилиш каби тушунчаларни ривожлантирди. Дастлаб тингловчилар электрон таълим технологиялари орқали БББ жадвалини тузиб, сўнгра масофавий таълим сайти орқали индивидуал тарзда расмийлаштириб, ўқитувчига жўнатадилар. Вебинар интернет технологияси ёрдамида маъруза машғулотларини олиб боришда ФСМУ методи тингловчиларда эркин фикрлаш, ўз фикрини ҳимоя қилиш, ўз фикрини бошқаларга етказиш, баҳслашиш, эгалланган билимларни таҳлил этиш, ўзлаштириш даражасини аниқлаш ҳамда баҳолашга ўргатди.


Юқоридагилардан келиб чиққан ҳолда биз томондан педагог кадрларнинг малакасини ошириш жараёнида педагогик касбий фаолиятнинг вебинар технологияси асосида такомиллаштириш модели ишлаб чиқилди ва амалиётга жорий этилди. Модел мақсад, ташкилий-мазмун ва таҳлилий-натижавий компонентлардан иборат (2-расм).

Мақсад компонентида ижтимоий буюртма педагог кадрларнинг касбий малакасини ривожлантиришга қаратилган ва вебинар технологияси асосида педагог кадрларнинг малакасини ошириш жараёнларини такомиллаштириш белгилаб олинган.

Ташкилий-мазмунли жараён компонентида педагог кадрларни малакасини ошириш мазмуни, малака ошириш босқичлари ҳамда вебинар платформалар ҳақидаги маълумотлар ўз аксини топган.

Таҳлилий-натижавий компонентда эса педагогик касбий фаолиятда малака даражасининг сифат кўрсаткичлари ва уни баҳолаш мезонлари (мотивация, когнитив-фаолиятли, рефлексив), малака даражалари (юқори, ўрта, паст) ҳамда натижа (касбий фаолиятга тайёр малакали педагог) мазмун-моҳияти очиб берилди.

Ўқитувчиларни малакасини ошириш тизимида таълимни ривожлантиришнинг асосий дидактик тамойиллари масофавий таълим шакллари учун ҳам асос бўлиб, таълимнинг бундай технологияси такомиллашиб, янги ўқув муҳити учун янги шартлар ва мезонлар билан тўлдириб борилади.



2-расм. Педагог кадрларнинг малакасини ошириш жараёнида педагогик касбий фаолиятни вебинар технологияси асосида такомиллаштириш модели

